2016 ЙИЛ 5 МАЙ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 93 (13.156)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Алишер Исроилов олган сурат

ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР КЎРГАЗМАСИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида "Компьютер инжиниринги" ва "Телекоммуникация технологиялари" факультетларининг иқтидорли талабалари, магистрлари ва ёш профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган дастурий ва техник ишланмалар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унга юздан ортиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси корхона раҳбарлари ва мутахассислари таклиф этилди.

Маълумот сифатида айтиш ўринлики, кўргазма залларида 200 дан ортиқ дастурий ва техник ишланмалар намойиш этилди. Хусусан, 33 та ахборот ишланмалари, 11 та веб-сайт, 55 та дастурий ишланма, 20 та аппарат, 44 та техник ишланма, 21 та компьютер ўйин дастурлари ва 19 та мобиль иловалардан иборат ишланмалар кўргазмаси шулар жумласидан. Иштирокчилар томонидан яратилган дастурий маҳсулотлар ва техник ишланмаларни таълим, кичик бизнес, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, саноат ва автомобилсозлик соҳаларида қўллаш мумкин.

— Бугунги кўргазмага ўз сайтим билан қатнашаяпман, — дейди ТАТУ 3-босқич талабаси Жаҳонгир Муртазоев. — Бу сайтга кириб, китоб кўчириб олиш, бемалол ўқиш мумкин. Шунингдек, онлайн режимда видеодарслар ишлаб чиқишни мўлжаллаяпман. Мен ишлаб чиққан дастур талабаларга албатта асқотади, деб ўйлайман.

— Биз 3 нафар талаба техникага асосланиб, протез оёқни робот асосига мўлжаллаб тақдим қилдик. Бу одамларга анча қулайлик яратади, ногирон инсонлар ўзини эркин ҳис қилиши билан бирга тана ҳаракатлари ҳам мўътадиллашади. Бу ускунани ўзимизда ишлаб чиқарсак анча арзон нархда бўлади, ҳали камчиликлари бор, бунинг устида ишлаяпмиз, — суҳбатга қўшилди ТАТУ 3-босқич талабаси Ҳикматилла Ҳабибуллаев.

Ушбу йўналиш бўйича амалга ошириладиган ишлар 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Миллий ахборот коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада ривожлантириш, шу жумладан, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, миллий ахборот ресурсларини бойитиш, замонавий интерактив хизмат турларини кўпайтириш бу борада малакали мутахассисларга бўлган юқори талабларни қўяди.

(Давоми 2-бетда)

ФИДОЙИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

5 май – Ўзбекистон Қаҳрамони унвони, "Мустақиллик", "Дўстлик" орденлари, "Жасорат" ва "Шуҳрат" медаллари таъсис этилган кун











Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан парламентимизнинг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида тасдиқланган мазкур мукофотлар Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз қудрати ва салоҳияти, халқимизнинг тинч-тотув ва фаровон ҳаётини янада юксалтиришга улкан ҳисса қўшаётган юртдошларимиз меҳнатига эътибор ва эътироф ифодасидир.

Ўзбекистон Қаҳрамони унвони мамлакатимизнинг олий мукофоти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона хизматлари учун берилади. Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган шахсга "Олтин юлдуз" медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат Ўзбекистон Президенти томонидан ёки Президент номидан тантанали вазиятда топширилади.

"Олтин юлдуз" медали ҳар бир қиррасининг икки ёнбағридан олтин нурлар таралган саккиз қиррали юлдуз шаклида бўлиб, марказдаги доира ичида Давлатимиз гербининг рамзига монанд ярим ой ва беш қиррали юлдуз жойлашган.

Ўтган йиллар мобайнида ўнлаб юртдошларимиз ушбу олий мукофот билан тақдирланди.

(Давоми 2-бетда)

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ФАХРИЙЛАР ХОНАДОНИДА БАЙРАМ

Мамлакатимизда ёши улуғ инсонларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилмоқда. Оила ва жамиятни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялашда уларнинг ҳаётий тажрибасидан фойдаланилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони катта авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиромнинг амалдаги ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ҳолидан хабар олинмоқда.

Шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида бўлиб ўтди. Ҳарбийлар, санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари Катта Олтинтепа маҳалласида яшовчи Одил ота Фозилов хонадонида бўлди.

Мудофаа вазири ўринбосарлари М.Солиев, Ж.Мелибоев, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзо ва бошқалар отахонни Президентимиз номидан байрам билан табриклади, пул мукофоти, совға-саломлар топширди.

Одил ота юз ёш билан юзлашган фахрийлардан. Етти фарзандни эл корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялаган. Узоқ йиллар бухгалтерия соҳасида меҳнат қилган. Давлатимиз раҳбарининг фармонига асосан "Жасорат" медали билан тақдирланган.

— Шукр, тинчлик-омонликда умргузаронлик қилиш насиб этди, – дейди отахон. – Синовли йиллар ортда қолиб, эл-юрт бахти, фарзандлар роҳатини кўрмоқдаман. Йигирма уч невара, элликдан ортиқ эвара ва икки чевараам бор. Улар йиғилганда хонадонимиз кулгу ва қувончга тўлиб кетади. Юртимиз тинч, фарзандларимиз ҳамиша шод, бахтли бўлсин, илоҳим.

Шу туманнинг "Мустақиллик" маҳалласида яшовчи Қодир бобо Эрназаровнинг хонадони фарзандлари, шогирдлари, маҳалла ёшлари билан ҳамиша гавжум. Отахон урушдан кейин ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида тарих фанидан дарс берган. Олтмиш йиллик педагоглик фаолияти давомида кўплаб ёш олимларга устозлик қилган. Турмуш ўртоғи Раъно ая билан уч ўғилни вояга етказган.

Халқимизнинг кўп асрлик тарихи, машаққатли йилларнинг сабоғи ҳақида сўзлар экан, Қодир бобонинг кўзларига ёш қалқиди. Юртимиздаги тинчлик-омонликни, бу неъматларни барқарор тутган Президентимизни алқаб дуо қилади.

– Бобом билан суҳбатлашиш марокли, – дейди Муҳаммад Қодиров. – Ҳеч бир воқеа, йиллар, исмлар, дўстлари, ҳамкасблари ёдидан кўтарилмайди. Панд-насиҳатларини тинглаб, кўп нарса ўрганамиз. Улар истагандек, юртимизга нафи тегадиган чин фарзанд, илмли, яхши мутахассис бўлишга ҳаракат қиламиз.

Қодир бобо ва Андрей Акопян қўшни яшашади. Уруш фахрийлари келганларга ўз ҳаёт йўллари, истиқлол туфайли эришилаётган улкан ютуқ ва марралар, халқимизнинг тинч, фаровон ҳаётини авайлаб-асраш зарурлиги, Ватан ҳимояси муқаддас бурч экани ҳақида сўзлаб беради. А.Акопян урушдан қайтгач, ҳарбий соҳада ўз фаолиятини давом эттирган. Эл-юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, турмуш осойишталигини асраш йўлида узоқ йиллар меҳнат қилган.

– Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари маҳалламизга файз бағишлаб туради, – дейди маҳалла оқсоқоли Фатхулла Исроилов. – Ҳамма уларни қадрлайди. Нуронийларимиз тимсолида элу юртга садоқат, инсонийлик, дўстга вафо, маҳалла-кўй ободлиги учун жонкуярлик, фидойилик намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 18 апрелдаги Фармонига мувофиқ нуронийларга пул мукофоти топширилди, дори-дармонлар ва бошқа зарур буюмлар туҳфа қилинди. Тадбирларда Ватанни, тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради, шеърлар ўқилди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда "Ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартиби: дастлабки тажрибалар, истиқболдаги вазифалар" мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва асослари, тартиблари бўйича маърузалар тингланди. Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикр алмашилди.

● Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур!" лойиҳаси доирасида "Биз одам савдоси ва турли мафкуравий таҳдидларга қаршимиз!" шиори остида хайрия акцияси ўтказилди. Тадбир доирасида туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирокида спортнинг енгил атлетика, стол тенниси ва арқон тортиш турлари бўйича мусобақа ўтказилди.

● Бухорода "Энг фаол либерал ғоялар тарғиботчиси" тақдимот-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Бухоро вилояти кенгаши томонидан ўтказилган танловда иштирокчиларнинг ҳуқуқий билими, таклифларининг аҳамияти, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик доирасидаги ҳамкорликдан самарали фойдаланиши, бошланғич партия ташкилотлари ишини янада фаоллаштиришга оид ташаббуслари баҳоланди.

● Андижонда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тадбир "Аждодларни хотирлаш – миллий қадрият" деб номланди.

ЖАҲОНДА

● Хитойнинг Чунцин шаҳрида ўтказилган юқори технологиялар кўргазмасида хитойлик муҳандислар мамлакатдаги илк "AnBot" робот-патрулини оммага таништиришди. Лойиҳа муаллифларининг таъкидлашича, уларнинг бу ихтироси аэропорт, вокзал, метро бекатларида хавфсизликни таъминлашда полициячиларга кўмаклашади. Робот қутқаришга муҳтож одамлар овозини ажрата олиш хусусиятига эга.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2015 йилда жаҳондаги йирик компаниялар 221 миллиард долларлик маблағни солиқлардан яширинча уриб қолишганлигини маълум қилди. Бундай мамлакатлар рўйхатида Люксембург ва Нидерландия дастлабки ўринларни эгаллайди.

● Испаниянинг Томарес шаҳрида IV асрга оид 600 килограмм оғирликдаги қадимий ноёб тангалар топилди. Гап шундаки, шаҳар хиёбонларидан бирида иш олиб борган экскаваторчи бронза тангаларга тўла 19 та қадимий Рим кўзаларига дуч келди. Испан археологлари мазкур топилманинг ўша даврга оид улкан хазина эканлигини эътироф этишди.

Жамиятнинг қон томири ҳисобланган маҳалланинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши унинг ваколат ва имкониятларини кенгайтирибгина қолмай, обрў-эътибори ва нуфузини ҳам оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса аҳолининг жипслиги, аҳиллиги-ю, фаоллигини, айни пайтда маҳалла олдидаги бурч ва масъулиятини янада оширишда муҳим ўрин тутаётганлиги тобора яққолроқ намоён бўлмоқда.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА ҲАМ УЙИМИЗ

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, ўтган чорак аср мобайнида халқимизнинг онги, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати-ю, турмуш тарзи тубдан ўзгарди. У ўзини, ўзлигини ҳур фикрли озод миллат сифатида теран англай бошлади. Шу боис ортда қолган кечаги куни билан бугунгисини қиёслаган ҳар бир инсон энг аввало,шундай қутлуғ ва обод юртда яшаётганлигидан бениҳоя бахтиёр эканлигини ўзгача бир ғурур билан баралла айтмоқда. Маҳалладан сўз очсангиз, менинг маҳаллам деб, юртдан сўз очсангиз, менинг юртим деб, Ватандан сўз очсангиз, менинг Ватаним деб, фахру ифтихор ила фикр юритмоқда. Чиндан ҳам бу тушунчалар бўй-басти ила ҳар бир фуқаро қалбининг туб-тубидан жой олганлигини ҳар қадамда кўриб турибмиз. Айнан шу туйғу эзгу ниятларимизнинг рўёбга чиқишида кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, бу ёруғ оламда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни кўрсатишда қанот бўлмоқда. Азал-азалдан маҳалла ота-боболаримиз ҳаётининг ажралмас бир қисми бўлиб келганлигини тарихдан яхши биламиз. Нега? Чунки, ҳар бир инсон маҳаллада дунёга келиб, умри шу муборак гўшада ўтади. Унинг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам маҳалла лаббай деб, оғирини енгил қилиб, дардига малҳам бўлади, ўз фарзандидек ардоқлайди.

Инсон оилада олган тарбиясини маҳаллада камол топтиради, энг ноёб хислат ва фазилатларни онгу шуурига жо этиб, ҳам фикр, ҳам шукр қилиб яшашни ўрганади. Бу эса маҳалла шунчаки, одамларнинг бошини қовуштириб, аҳил, тотув яшашга даъват этадиган ижтимоий маконгина эмас, балки орзу-ниятларининг амалга ошишида кўмаклашадиган, ҳурмат-иззатини ўрнига қўйиб, обрў-эътиборини кўтарадиган, керак бўлса, тақдирини ҳал қиладиган ўз-ўзини бошқариш маркази ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан маҳалла тушунчаси ўз миллий хусусиятларини сақлаган ҳолда янгича мазмун-моҳиятга эга бўлди. Унинг ўзигагина хос бўлган бетакрор тизими миллий истиқлол ғоялари руҳида шакллантирилиб, урф-одат, удум ва анъаналари тўла тикланди. Қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари маҳалланинг ҳуқуқий асосларини белгилабгина қолмай, балки унинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам равнақ топишида кенг йўл очиб берди.

Чиндан ҳам маҳалла одамларни жипслаштиришда, хайрли ишларга чорлашда,-тинчлик, осойишталик, дўстлик ва бирородарликни мустаҳкамлашда, оилаларнинг тотувлигини таъминлашда қудратли қўрғон ҳисобланади. Унинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий ва умуминсоний қадриятларимизни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиб, бунёдкорлик ва ободончилик ишларига етакчилик қилаётганлиги, кам таъминланган оила ва қаровчиси бўлмаган бемору кексаларга ёрдам кўрсатиб, маҳалла ва унинг аҳолиси манфаатларига хизмат қиладиган таклифларни қўллаб-қувватлашда бош-қош бўлаётганлиги таҳсинга сазовордир.

Ҳеч бир шубҳасизки, бундай олижаноб ишларнинг барчасида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари фаолияти асосий ўрин тутади. Бу эса фуқаролар йиғини раислигига муносибларнинг муносибини танлаб олишда янглишмасликни, янги таҳрирдаги Қонун асосида адолатли қарор қабул қилишни талаб этади. Хўш, муносибларнинг муносиби қандай киши бўлиши керак? Номзод энг аввало, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига тўла мос келиши лозим. Албатта, одамлар уни ҳалол, иймон-эътиқодли, фидойи, қатъиятли, виждонли, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, ғурурли инсон сифатида яхши билишлари ва қадрлашлари катта аҳамиятга эга.

Айни пайтда маҳалла оқсоқоли мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда эришилаётган ютуқлар-у, буюк бунёдкорлик ишларининг моҳияти ва аҳамияти хусусида аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориши, уларни қабул қилинаётган Қонун ва қарорлардан воқиф этиб туриши ҳам керак. Демак, у тарғибот ва ташвиқотчилик қобилиятига эга бўлибгина қолмай, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ҳам етук бўлиши керак. Чунки, бу раисга қўйиладиган асосий талаблардан саналади.

Шунингдек, одамлар фикри билан ҳисоблашиш, ҳудуддаги давлат ва жамоат ташкилотлари кўмагидан самарали фойдаланиш, хусусий тадбиркорликни қонун доирасида қўллаб-қувватлаш ҳам фуқаролар йиғини раисининг вазифасига киради. Ана шундай сифатларни ўзида мужассам этган раисга эга бўлган маҳалла обод бўлади, аҳолиси тинч, аҳил ва фаровон ҳаёт кечиради.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳар биримиз фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фаол иштирок этишимиз, бу муҳим тадбирнинг қонуний ва ошкоралик руҳида ўтишини таъминлашда фидойилик кўрсатишимиз ўзимиз, оиламиз, маҳалла ва жамиятимизга бефарқ эмаслигимиздан далолат беради. Ана шундагина маҳалла ҳақиқий уйимизга айланади.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Тошкент молия институти
"Устоз ва мураббийлар"
Кенгаши раиси, журналист

Анжуманлар

ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида фуқароларга юридик хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш ва бу борадаги янги лойиҳаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бу йўналишдаги билимларини бойитишга катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Кундалик ҳаётда фуқароларнинг ҳуқуқий масалалари ечими юзасидан кўпроқ мурожаат қиладиган нотариат ва ФҲДЁ органлари фаолияти такомиллаштирилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларни малакали юридик ёрдам олиш имконияти билан таъминлаш, адвокатура соҳасини юқори малакали кадрлар билан тўлдиришга қаратилган чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, нотариус лавозимига кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш ва нотариат соҳасини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида судьялик лавозимида камида беш йил ёки нотариат соҳасида раҳбарликни амалга оширувчи ва назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировка муддати бир йилга қисқартирилди. Нотариуслар уч йилда камида бир марта ўз касбий малакасини ошириши лозимлиги шарт қилиб белгиланди.

Шунингдек, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб нотариус лавозимига номзодларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий, хорижий тиллар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билимларини аниқлаш мақсадида тест синовлари ўтказиладиган бўлди.

Жисмоний ва юридик шахсларга малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органларининг расмий вебсайтларида нотариал ҳаракатлар учун давлат божи, пуллик хизмат ва герб йиғимлари қийматининг автоматлаштирилган ҳисоб-китобини амалга оширишни назарда тутувчи электрон ҳисоблаш дастури яратилди. Унга кўра, жисмоний ва юридик шахслар аниқ нотариал ҳаракатлар бўйича тўловлар миқдори ҳақида олдиндан билиш имконига эга бўлишди.

Анжуманда шунингдек, ФҲДЁ органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш борасида қилинаётган ишлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Абдували СОДИҚОВ

БАМБУКДАН ИШЛАНГАН ХАРИДОРГИР МЕБЕЛЛАР

Пойтахтимиздаги "Ratan-Asia" масъулияти чекланган жамиятида бамбукдан уй интерьерлари, ётоқхона, меҳмонхона, болалар хонаси мебеллари, дала-ҳовли безаклари ишлаб чиқарилмоқда. Бу жиҳозлардан ҳар ким ўз дидига кўра, тўплам қилиб олиши ёки дизайнерлар томонидан ишланган мебель гарнитурини танлаши мумкин. Корхонада харидорлар талабидан келиб чиқиб буюртма асосида мебеллар ясалади.

Тез ўсиб, кам меҳнат талаб қиладиган бамбук ўсимлигининг илдизидан тортиб баргигача турли хил воситаларда фойдаланиш мумкин.

Бамбук ёғочи чидамлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Ундан ясалган мебелларнинг афзал томони ҳам шунда. Бамбукдан ясалган мебеллар енгил бўлишига қарамай, жуда чидамли, сувга, оловга бардошли ҳисобланади. Бамбукдан ишланган стол, стул жамланмалари сув ёки қуёш нури таъсирида ҳам ўзгармайди. Бамбук ёғочи микробларга қарши курашиш хусусиятига эга бўлиб қурт-қумурсқалар, турли касалликлар натижасида емирилмайди.

– Президентимиз раҳнамолигида ишбилармонлар учун яратилган имтиёз ва қулай шароит самарали меҳнат қилишимизда асос бўлмоқда, – дейди ЎзА мухбирига "Ratan-Asia" масъулияти чекланган жамияти директори К.Яфуняев. – 2009 йилда ташкил топган корхонамиз аввалига хориж мамлакатларидан уй интерьерлари, мебеллар – тайёр маҳсулотларни олиб келиб, сотиш билан иш бошлаган. Ҳозирги кунда Индонезиядан бамбук ёғочини олиб келиб, халқимизнинг талаб ва таклифи асосида турли мебель ва уй жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Корхонада ўндан зиёд ёшлар иш билан банд. Бамбукдан ясалган мебеллар аҳоли ўртасида тобора харидоргир бўлмоқда. Ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилиш, пухта ўйланган маркетинг сиёсати самарасида маҳсулот сифати яхшиланиб, ҳажми ошмоқда.

Ҳозирги кунда корхона Индонезиянинг "Wisanka" ва "Ekobambuk" сингари йирик фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Корхона мебеллари "MebelExpo Uzbekistan – 2016" кўргазмасида эътироф этилиб, диплом билан тақдирланди.

Бамбук юмшоқлиги, чидамлилиги учун унга ўймакорлик асосида безак бериш мумкинлигини ёш усталар амалиётда синаб кўрди. Бамбук ёғочига миллий услубда нақш ўйилгани боис маҳсулотлар янада чиройли ва кўркам бўлмоқда.

Корхонанинг пойтахтимизда очилган "Бамбук мебель" савдо мажмуасида юртимизда ишлаб чиқарилаётган мебеллар билан бирга тик, кокос дарахтлари ҳамда денгиз ўтларидан ясалган ўзига хос услублардаги мебелларни харид қилиш мумкин.

Гўзал САТТОРОВА



ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

Дилфуза Ғаниева ёшлигидан уқувли, тиришқоқ қиз эди. Онаси Зулфия опанинг айтишича, уйларига боғча яқин бўлгани учун Дилфуза у ерга боришни яхши кўрар, тадбирларда фаол қатнашарди.

Мактабда ўқиган пайтлари ҳам ўқитувчиларининг дарсларини мароқ билан эшитар, ўзи ҳам уйга келиб, укаларига сабоқ беришни хуш кўрарди. Ўқитувчиликка қизиқиш уни Ўзбекистон миллий университетининг филология факультетига ўқишга ундади.

Бир куни мактабга она-тили ва адабиёт фани ўқитувчиси келмагани боис, илмий бўлим мудири унинг ўрнига Дилфузани дарсга кириб туришини илтимос қилишади, эшик очиқ тургани учун мактаб директори Й.Абдуллаев айланиб юриб, Дилфузанинг дарс ўтиш услубини эшитиб қолади. "Наҳотки, оддий етакчи қиз шунчалик берилиб дарс ўтса?" Шундан сўнг, унга дарс ўтиши учун битта синф беришади. Бу рағбат Дилфузани руҳлантириб, ўз устида янада қаттиқ ишлашга, яхши ўқитувчи бўлишга ундайди.

— 1994 йилда "Ўқитувчи — 94" кўрик-танлови ўтказилди, — деб ҳикоя қилади Д. Ғаниева. — Унда университетнинг 2-босқичида ўқирдим. "Кўрик-танловда қатнашасан", дейишди. Танловнинг туман босқичида ғолиб бўлдим, шаҳар босқичига йўлланма олдим, шаҳарда ҳам ғолиб бўлиб "Халқ таълими фидойиси" унвонига сазовор бўлдим. Танловнинг республика босқичида "Энг зукко, талабчан ўқитувчи" номинацияси ғолиби бўлдим.

Д.Ғаниева университетни битириб, кўп йиллар педагогика соҳасида меҳнат қилди. Шу билан бирга у ўзини бошқа соҳада синаб кўргиси келаверди. Яъни, психология уни ўзига кўпроқ жалб қиларди. Шу боис иккинчи мутахассисликни эгаллаш учун ҳужжатларини Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг психология факультетига топширди. Дилфузанинг нутқи бой, сўзларни чертиб-чертиб гапирарди. Баъзан аёллар билан суҳбатлашиб қолганида уларнинг муаммоларини эшитар ва қўлидан келганича ёрдам берарди. Ҳамиша ҳаётда "Ҳеч қачон енгилмагин, доим яхшиликни кўзла" шиорига амал қиларди.

2014 йили "Эпли келин" нодавлат ўқув марказини очишида Д.Ғаниевага Олмазор тумани хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа бир қатор ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлди.

— "Қорни оч одамга балиқ бермагин, балиқ тутишни ўргатгин", дейишади, — дея суҳбатни давом эттиради ўқув маркази раҳбари Д.Ғаниева, — балиқ тутишни ўргатсанг, қорни очганда ўзи меҳнат қилади. Асосан ўқув марказимизга ҳамма ёшдагилар келади, якшанба куни 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган қизлар келади. "Қизлар психологияси" дастурини ишлаб чиққанмиз. 16 ёшдан 22 — 25 ёшгача "Келинликка тайёрлаш психологияси", турмуш қурганлар учун "Оила психологияси" дастури ишлаб чиқилган.

Маълумки, фарзандлар, ўғилмиқизми аввало оилада тарбия кўради. Шундай экан, уларни яна ўқитиш керакми, деган савол туғилади. "Эпли келин" нодавлат ўқув марказига келсангиз барча саволларингизга жавоб олишингиз аниқ.

Табиатан интилувчан, тиришқоқ, олдига бир мақсадни қўйса унга албатта эришадиган Д.Ғаниева "Тадбиркор йил аёли" кўрик-танловининг туман босқичида иштирок этиб 1-ўринни олди. Танловнинг шаҳар босқичида эса 11 та иштирокчилар орасида энг иқтидорли, зукко эканлигини намоён қилиб ғолиблик минбарини забт этди ва тижорат банкидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Келгусида мақсадларим катта, — дейди Дилфуза Ғаниева, — олган кредитимга янги жиҳозлар сотиб олмоқчиман. Токи "Эпли келин" пиширириқлари барчага манзур бўлсин ателье хизматини йўлга қўймоқчиман. Ниятим ҳамма ўзбек оиласи тинч-хотиржам бўлсин, келинларимиз оиласидан кўнгли тўлиб, бахтли яшасин...

Ш.ЗОКИРОВ

ФИДОЙИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2015 йили "Нуроний" жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси Тавакқал Топволдиев мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлидаги самарали ва фидокорона хизматлари учун Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Президентимиз раҳнамолигида кексаларга, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ёши улуғ инсонлар кўнглини кўтармоқда, ёшларни эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундамоқда. Фахрийлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ижтимоий муҳофаза қилинмоқда.

– Кўплаб хорижий мамлакатларда бўлдим, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Тавакқал Топволдиев. – Очиғи, ривожланган давлатларда кексаларнинг аксарияти якка-ёлғиз, жамиятдан ажралган ҳолда, умидсизлик кайфиятида яшаётганининг гувоҳи бўлганман. Минг шукрки, мамлакатимизда кексалар эъзозу эҳтиромда. Юртбошимиз раҳнамолигида давлатимиз эътибори ва ғамхўрлигини ҳар дамда ҳис этиб яшамоқда. Бундай ҳурмат-эҳтиром оғушида яшаш катта бахт.

"Мустақиллик" ордени – Ўзбекистонда мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонлар меҳнати эътирофининг ёрқин ифодасидир. Орден марказида гўзал ва саховатли заминимиз фонида ҳурлик рамзи бўлган Ҳумо қуши тасвирланган. Уни ўраб турган айлананинг тепасига ўн иккита ёқут тош қадалган.

Бу орден билан юртдошларимиздан ташқари, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 20 августдаги фармонига биноан Тошкент шаҳри юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш борасидаги улкан хизматлари учун "Мустақиллик" ордени билан тақдирланди.

Бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик бор жойда аниқ мақсад сари интилиш, олдинга силжиш бўлади. Халқимизга хос бағрикенглик ва аҳиллик мамлакатимизда қарор топган миллатлараро тотувликнинг муҳим кафолатидир. "Дўстлик" ордени билан Ўзбекистонда яшаётган миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришган мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, юртимиз фуқароси бўлмаган шахслар мукофотланиши мумкин.

"Дўстлик" ордени марказида ўз ифодасини топган метиндек жипс қўллар ва турли ранглар уйғунлиги ушбу мукофот соҳиблари қалбида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш туйғусини мудом яшнатиб туради.

Истиқлол йилларида халқимиз эришган энг катта ютуқ тинч-осойишта ҳаётимиздир. Осмонимиз мусаффолиги, бугунги озод ва обод ҳаётимиз миллий армиямизни ислоҳ этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар самарасидир.

Бу шарафли ишга ҳисса қўшаётган инсонлар – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари мамлакатимиз миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда, ҳарбий бурчни ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун "Жасорат" медали билан мукофотланади.

Ҳар йили ўнлаб юртдошларимиз мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган ҳиссаси учун "Шуҳрат" медали билан мукофотланмоқда.

Эл-юртга муносиб бўлишга интилиб, аждодларимиз меросини бойитишга ҳисса қўшиб яшаш йўлимизни ойдин, кўнглимизни мунаввар қилади. Инсон учун янгилик ва тараққиётга, эл-юрт равнақига ҳисса қўшишга интилиб яшашдан ортиқ бахт йўқ. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, ана шундай ноёб инсоний фазилатларга, юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР КЎРГАЗМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 мартдаги "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2013 йил 20 сентябрдаги "Мамлакатимизда дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари республика иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари учун ахборот коммуникация технологиялари соҳасида халқаро стандартлар талаблари даражасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича Тошкент ахборот технологиялари университетида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, университетда компьютер инжиниринг, дастурий инжиниринг, телекоммуникация технологиялари каби янги бакалавриат таълим йўналишлари киритилди. Ҳозирги кунда университет ва унинг филиалларида 10 мингдан ортиқ талабалар таҳсил олмоқда. Таълим жараёнининг сифатига қаратилаётган эътибор, университет ўқув лабораториялари моддий техник базасининг ривожлантирилиши, профессор-ўқитувчиларнинг етакчи хорижий таълим муассасаларида малакаларини ошириши ҳамда таълим жараёнининг хорижий адабиётлар билан услубий бойитилиши бўйича амалга оширилган бир қатор ишлар ўз самарасини бермоқда.

Кўргазмада 5 та номинация белгиланган бўлиб, тадбир якунида "Энг яхши лойиҳа дизайни", "Энг яхши веб-ишланма", "Энг яхши андроид ишланма", "Энг яхши Windows ишланма", "Энг яхши дастурий ва аппарат-дастурий ишланма" муаллифлари ташкилотчилар томонидан махсус сертификат ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

САРИШТАЛИ УЙ – ФАРИШТАЛИ УЙ

деган ибратли ҳикматда чуқур маъно мужассам

Халқимиз тозаликни, озодаликни хуш кўради. Ўтказилаётган ҳашарлар ва ободончилик ишларида қанчадан-қанча ҳудудлар обод ва ораста ҳолга келтирилади. Март-апрель ойларида ҳам юртимиз, жумладан, шаҳримизда ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилиб, ойлик давомида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди.



Тўғри-да, ўз яшаб турган уйингни тоза, чиройли қилиб турганга не етсин. Шу аснода ҳамроҳларимиз билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида қилинган ишлар, кўп қаватли уйларнинг ҳолати, ҳамма жойларда ҳам бундай хайрли ишларга эътибор қаратилдими каби саволларга жавоб топиш мақсадида шаҳримиз туманлари бўйлаб яна сафарга отландик.

Сафаримизни **Чилонзор** туманидан бошладик. Тумандаги "Навбаҳор" маҳалласида бўлганимизда бири-биридан чиройли кўп қаватли уйларни кўриб, дилимиз равшан тортди. Иккита кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи "Чинбахт сервис" хусусий ширкати ишидан кўнглимиз ёришди. Бу каби манзараларни "Дўстлик" маҳалласидаги 22-уйда ҳам кўрдик. Бу уйнинг биринчи кириш йўлаги чиройли қилиб қўйилганидан кўзингизни қувнатади. Атроф тозаланган.

9-мавзедаги 1,2,3,4, 5,6, 9 А, 13,14 кўп қаватли уйларга "Биринчи Қатортол" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. 4-уй олдида, аслида болалар майдончаси бўлиши керак жойда уюм-уюм чиқиндиларнинг тўпланиб қолиши дилимизни хира қилди.

Шундан сўнг **Учтепа** тумани маҳаллаларини айландик. Кўп қаватли уйнинг йўлак атрофини супураётган аёлга кўзимиз тушди. Ўзини Гулбаҳор Толипова деб таништирган аёл, шу уйлардан бирида яшар экан. "Галма-галдан уй атрофини супуриб, тозалаб турамиз, зеро ораста жойда барака бўлади", дея дилимизни хушнуд этди. "Ватан" маҳалласидаги 9-уйнинг 3-кириш йўлаги эътиборимизни тортди. Йўлак озода қилиб қўйилган.

"Гузар" маҳалласидаги 7-уйнинг ён қисмида эса кишининг ғашини келтирадиган ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Кичик сув ҳавзасига мўлжалланган жой қуриган дарахт шохлари билан тўла, атрофида эски, синган-чиққан ўриндиқлару кераксиз тахта бўлаклари ётибди. Аслида одамларнинг бемалол ўтиб юришлари ҳамда экологик жиҳатлар инобатга олиниб, кўп қаватли уйнинг ёнида қолдирилган бу жой баъзи кишилар томонидан мана шу ҳолатга келтирилган.

Сергели туманидаги Аҳмад Ал-Фарғоний номли маҳалла ҳудудидаги кўп қаватли уйлар олдига келганимизда атрофни кўриб кайфиятимиз кўтарилди. 47-уйнинг кириш йўлаги чиройли қилиб таъмирланган, атроф ораста.

Маҳаллаларни айланар эканмиз, кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатига ҳам эътиборни қаратдик. Жумладан, ўзини Наталья Воронкова деб таништирган аёлнинг фикрларига қулоқ тутдик:

– Сергели тумани, 4-мавзе, 14-уй, 72-хонадонда истиқомат қиламан, – дейди у. – Йўлакларимиз қаровсиз аҳволда, таъмирталаб бўлиб қолган, бу ҳақда "Оқибат коммунал" ХУЖМШга айтавериб чарчадик, мутасадди ташкилотларга ҳам мурожаат қилганмиз, фойдаси бўлмаяпти.

Наҳотки, шу уйда ишбилармонлар бўлмаса?

Саёҳатимизни давом эттирдик. "Тинчлик" маҳалласидаги 24-кўп қаватли уйнинг 4-кириш йўлаги атрофини, эшигини, деворларни таъмирлаш вақти етиб келган экан. Бу уйда яшовчилар тозалик масалаларига ҳам эътибор қаратишса, ёмон бўлмасди. Атрофдаги майда-чуйда қоғоз бўлаклари ва сигарет қолдиқлари таъмирталаб жойнинг ҳолатини янада хунук қилиб кўрсатмоқда.

Сергели туманидан чиқиб, **Яккасарой** туманига йўл олдик ва "Қушбеги" маҳалласига кириб бордик. Шу ҳудуддаги 1-уйнинг иккинчи кириш йўлагини намуна қилиб кўрсатса, арзийди. Атроф ораста, йўлак деворлари ва эшигига ранг берилган. Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи "Мумтоз маҳал сервис" бошқарув компанияси раҳбари Анвар Бошмоновнинг маълумот беришича,"Қушбеги" маҳалласидаги уйларнинг 50 фоиз йўлаклари таъмирланган, қолганларида ҳам бу жараён давом этмоқда. Чунончи, компания 4 та ширкат билан шартнома тузган, 18 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади.

"Бошлиқ" маҳалласида эса гўзал манзарани бузиб турган бир ҳолатга дуч келдик. 16-уйнинг 1-кириш йўлаги атрофига гуллар экилиб, кўкаламзорлаштирилган майдонга айлантирилган. Аммо ер остидан ўтган қувурларни тузатиш учунми ёки бошқа мақсаддами қазилган каттагина чуқурлик қайта текисланмай қолиб кетибди. Шу ерда яшовчи аҳолининг айтишича, бунга салкам бир йил бўлган.

Шундай турфа хил манзараларнинг гувоҳи бўлган ҳолда **Бектемир** туманига ҳам етиб келдик. Зилола номли маҳалладаги 26-а уйнинг 1-кириш йўлагида ижобий ҳолатни кўриш мумкин. Йўлак таъмирланган, эшикка, йўлак деворларига ранг берилган, атроф ва йўлак ичи орасталанганлигини кўриб дилимиз ёришди. Аммо, "Иқбол" маҳалласидаги 4-уйнинг 4-кириш йўлаги юқоридаги иккита ҳолатдан анчагина фарқ қилади. Кириш йўлагининг девор сувоқлари кўчиб кетган бўлса-да, бундай ноҳуш ҳолат хонадон эгаларини ҳеч қандай хижолатга солмаяпти.

Шундай ўйлар билан **Яшнобод** туманининг "Бешариқ" маҳалласида бўлиб, яшаб турган жойини обод қилиш ҳам, уни ёмон ҳолатга келтириш ҳам шу жойда яшаётганларнинг ўз қўлида экан, деган хулосага келдик. Дарҳақиқат, озгина интилиш ва ҳаракат билан чор атрофни обод қилиб, қулай шароитлар яратиш мумкин. Бунинг исботини мазкур маҳалладаги 41-уйнинг кириш йўлакларида олиб борилаётган ишларда кўрдик. 3 ва 4-йўлакларда таъмирлаш ниҳоясига етказилган, яна тўрттасида ишлар давом этмоқда. Барча йўлакларга темир эшиклар ва қодли қулфлар ўрнатилган.

Ён атрофдаги "Фазогир" маҳалласида эса бутунлай ўзгача ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. 48-уйнинг кўкаламзорлаштирилиши лозим бўлган 5-йўлаги атрофи ва 7-кириш йўлаги ичида қурилиш чиқиндилари ва яроқсиз мебель бўлаклари мавжудлигини кўриб, афсус чекдик. Бу ерда истиқомат қилувчи баъзи уй эгаларининг чиқиндиларни ўз вақтида белгиланган ҳудудга олиб бориб ташламаслиги мана шу ҳолатдан ҳам маълум.

Юнусобод тумани аҳоли кўп яшайдиган ҳудудлардан бири. Маҳаллалари бугунги кунда 63 тани ташкил этади. Шу ўринда айтиш жоизки, айрим маҳаллалардаги кўп қаватли уйлар атрофи ўтлар билан бурканган, на ширкат, на маҳалла, на аҳоли бу ўтларни ўриб ташлаб, ён атрофни чиройли қилиб қўйиш ҳақида бош қотирмайди ҳам. Ҳа демай кунлар исиб кетади.

Тумандаги "Иттифоқ" маҳалласидаги 20-уйнинг 3-кириш йўлаги намунадагидек экан. Ҳаммаёқ тоза, йўлак эшиги чиройли қилиб бўялган, Ичкариси ёруғ ва шинам.

Аммо, "Чоштепа" маҳалласидаги 31-уйнинг 21-кириш йўлаги олдида эскирган ўриндиғу кераксиз мебель бўлаклари тўпланганлиги кўрган одамни таажжубга солади. Уй олдидаги болалар майдончаси ҳам талаб даражасида эмас.

Мирзо Улуғбек тумани "Катта Қорасув" маҳалласидаги 3-уйнинг 2-кириш йўлаги намунали гўшалар сирасига кирар экан.

Шукур Бурхонов номли маҳалладаги 40-уйнинг биринчи кириш йўлагининг қаровсиз аҳволда эканлигини кўрдик.

Олмазор туманида амалга оширилаётган ишлардан хабардормиз. Масалан, "Истиқбол" маҳалласидаги 11-уйнинг биринчи кириш йўлаги таъмирланган. Йўлаклар шинам ва ёруғ.

Бироқ, "Навбаҳор" маҳалласидаги 8-а уйнинг 7-кириш йўлаги анчайин таъмирталаб ҳолга келиб қолибди. Йўлак деворидаги сувоқлар ва ранглар кўчиб ётибди. Кираверишдаги дарахтлар ва яшил буталар тартибсиз.

Шайхонтоҳур туманини айланар эканмиз, кўпгина кўп қаватли уйлардаги йўлаклар ҳолатидан мамнун бўлдик. Биргина "Янги Жарариқ" маҳалласидаги 6-уйнинг 9-кириш йўлагини олайлик. Йўлак таъмирланган, сариштa ва тоза. Йўлакка кираверишда катта тувакларда гуллар экилган. Яшовчиларнинг ўтириб дам олишлари учун ўриндиқ ҳам мавжуд. Туманда шундай уйлар, йўлаклар бор экан.

"Гулобод" маҳалласига борганимизда эса хунук манзарага дуч келдик. 79-уйнинг 4-кириш йўлаги таъмирталаб аҳволда. Йўлак ичкариси қурилиш чиқиндиларига тўла. Бундан ташқари, мазкур уйнинг биринчи қават балконлари остида керакли ва кераксиз мебель, ёғоч бўлаклари тўпланиб турибди.

Шу тариқа сафаримизни **Миробод** туманида якунладик. Бугунги кунда бу ерда ҳам қурилиш-бунёдкорлик ишлари авжида. Биргина Миробод деҳқон бозорининг қайта таъмирланаётгани келгусида аҳоли учун кўпгина қулайликларни вужудга келтиради. Ат-Термизий номли маҳалла, 10-уйнинг 4-кириш йўлаги барчамизда ижобий таассурот қолдирди. Йўлак атрофи таъмирланган, тозалик борасида эътирозга ўрин йўқ. Уй олдидаги болалар майдончаси эса жуда ажойиб тарзда қад ростлаган. Болалар учун яратилган шарт-шароитлар таҳсинга сазовор. Майдонча кичкинтойларнинг вақтларини мазмунли ўтказишлари учун турли ўйин мосламалари билан жиҳозланган.

Аммо, Фурқат номли маҳалла ҳудудидаги 111-уйнинг 5-кириш йўлагида бир талай тахталарнинг ҳудди омборда тургандек тахлаб қўйилгани кишини ҳайратлантиради. Йўлакнинг ташқи томони эса таъмирталаб бўлиб қолган. Шунингдек, маҳалладаги 30-уйнинг 2-кириш йўлагининг ҳам яқин вақтлар ичида таъмирланмаганлиги билиниб турибди. Йўлак деворлари кўчиб тушган, тозаликни ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Туманларни айланиб юриб, мана шундай турфа ҳолатларнинг гувоҳи бўлдик. Серғайрат, ташаббускор кишилару лоқайд ва эринчоқ яшовчилар билан суҳбатлашиб, уларни хайрли ишларга даъват этдик. Тўғри, бу мисоллар ҳам мутасаддиларнинг ўз вазифаларини қандай бажараётганликларини очиқ-ойдин акс эттиради. Лекин биз бу ширкатнинг иши, бу ерни бошқалар тозаласин, деган сансалорлик ва баҳоналар билан уйларимизнинг ободлигию озодалигини сақлай оляпмизми? Бундай дейишимиздан мақсад ҳудудларни айланаётганда илгари борган жойларимизга ҳам назар ташладик. Баъзи жойларда камчиликларга барҳам берилган бўлса-да, афсуски айрим маҳаллаларда аҳвол ҳамон ўша-ўша.

Биз бу ишни келгусида ҳам давом эттирамиз. Юқорида қайд этилган камчиликлар юзасидан эса туман ҳокимликларидан жавоб кутамиз.

Зийрак бобога
А. САЛИМОВ,
З. ШАРИФЖОНОВлар
котиблик қилишди.
И. Исмоилов олган
суратлар

ОРАСТА ЙЎЛАКЛАР КАЙФИЯТНИ КЎТАРАДИ



Мирзо Улуғбек тумани, Шукур Бурхонов номли маҳалладаги 41-уйнинг 4-кириш йўлаги



Чилонзор тумани "Навбаҳор" маҳалласида жойлашган 39-уйнинг 3-кириш йўлаги



Сергели тумани Ҳабибий номли маҳалладаги 7-уйнинг 1-кириш йўлаги



Миробод тумани, "Салар" маҳалласидаги 37-уйнинг 1-кириш йўлаги



Бектемир тумани, "Роҳат" маҳалласидаги 44-б уйнинг 1-кириш йўлаги



Учтепа туманидаги "Кўҳна Чўпонота" маҳалласида жойлашган 36-уйнинг 1-кириш йўлаги



Яшнобод туманидаги "Мустақилликнинг ўн йиллиги" маҳалласи ҳудудида жойлашган 21-уйнинг 3-кириш йўлаги



Юнусобод тумани, Увайсий номли маҳалла ҳудудидаги 5-уйнинг 1 ва 3-кириш йўлаклари



Шайхонтоҳур тумани, "Оқтепа" маҳалласидаги 15-уйнинг 7-кириш йўлаги



Яккасарой тумани, "Туркистон" маҳалласидаги 8-уйнинг 1-кириш йўлаги



Олмазор тумани, "Бўстон" маҳалласидаги 38-уйнинг 7-кириш йўлаги

... ҚАРОВСИЗ ЙЎЛАКЛАР ДИЛНИ ХИРА ҚИЛАДИ



Яшнобод тумани, Бобур номли маҳалладаги 50-уйнинг 2-кириш йўлагидаги ҳолат



Юнусобод тумани, Нодирабегим номли маҳалладаги 14-уйнинг 2-кириш йўлаги



Учтепа туманидаги "Нуробод" маҳалласи ҳудудидаги 1-уй 1-кириш йўлагининг тепа қисмидаги аҳвол



Чилонзор туманидаги "Кўтарма" маҳалласида жойлашган 5-уйнинг 1-кириш йўлаги



Олмазор тумани, "Ғалаба" маҳалласидаги 1-уйнинг 2-кириш йўлагидаги ҳолат



Сергели туманидаги "Оқибат" маҳалласи ҳудудидаги 28-уйнинг 4-кириш йўлаги



Яккасарой туманидаги "Ракат" маҳалласида жойлашган 46-уйнинг 1-кириш йўлагидаги аҳвол



Мирзо Улуғбек туманидаги "Янги ҳаёт" маҳалласи ҳудудидаги 33-уйнинг 1-кириш йўлаги



Миробод тумани, Фитрат номли маҳалладаги 30-уйнинг 2-кириш йўлаги



Шайхонтоҳур тумани, "Белтепа" маҳалласидаги 29-б уйнинг эшиги йўқ йўлаги



Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро номли маҳалладаги 76-уйнинг 3-кириш йўлаги

Танловлар

ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ КОМИЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Мамлакатимизда олий таълим муассасалари талабаларининг солиқ қонунчилиги соҳасидаги билимларини ошириш, амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш ва уларни бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, юртимизда солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан доимо хабардор қилиб бориш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирлар асосида кенг кўламли тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Ёшларнинг бу борадаги билимларини мустаҳкамлаш ва рағбатлантириш мақсадида танловлар ва турли мавзудаги тадбирларнинг ўтказилиб борилиши ҳам олиб борилаётган ишларнинг ёрқин бир ифодасидир.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида, билимли ва зукко ёшларни аниқлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини ошириш ва ўз иқтидорларини намойиш этиши учун имконият яратиш мақсадида, олий таълим муассасаларининг "иқтисод" соҳасидаги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича таҳсил олаётган талабалари иштирокида "Солиқ билимдонлари-2016" кўрик-танловининг шаҳар босқичи юқори савияда ўтказилди.

– Давлат солиқ қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Камолот" ЁИҲ билан ҳамкорликда республикамиздаги касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари битирувчилари билан давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг учрашувлари мунтазам равишда ташкиллаштирилиб келинмоқда, – дейди Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси Наргиза Эркинова. – Бундай учрашув ва танловларнинг ўтказилиши мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган шарт-шароитлар, берилаётган солиқ имтиёзлари ва тадбиркорлик билан шуғулланишнинг афзалликлари хусусида ёрқин мисоллар асосида батафсил маълумотлар бериш ва бўлажак тадбиркорларнинг ўз бизнесларини бошлашида амалий ёрдам вазифасини ўтамоқда. Мазкур танлов ҳам, энг изланувчан ва иқтидорли ёшларни саралашда муҳим аҳамият касб этади.

Танловда олтита олий таълим масканларининг талаба ёшлари тўртта шарт бўйича жамоа бўлиб беллашдилар.

Солиқ академияси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат ирригация ва мелиорация институти ҳамда Тошкент давлат юридик университети жамоалари танловнинг республика босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритдилар.

Ғолиб жамоалар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган биринчи, иккинчи ва учинчи даражали диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ ЎҚУВИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ходимлари малакасини оширишга бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди.

Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг ахборот олиш ҳуқуқи тўла таъминланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни бу борада ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Аҳолининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятидан хабардор бўлишида ахборот хизматлари муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда барча вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари ташкил этилган бўлиб, улар ташкилотда амалга оширилаётган ишлар, турли дастур ва лойиҳалар хусусида аҳоли, журналистларни мунтазам хабардор этиб бормоқда.

– Хизматимиз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, электрон ҳукуматга доир қонунчиликка мувофиқ йўлга қўйилган, – дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги матбуот хизмати раҳбари Адҳамжон Усмонов. – Оммавий ахборот воситалари, фуқаролар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бу юртдошларимизнинг ижтимоий, сиёсий фаоллиги ортиши, тегишли маълумотларни ўз вақтида олиш имконини бермоқда.

Ўқув-семинарда ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, ходимларнинг профессионал маҳоратини оширишга доир машғулотлар ўтказилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Спорт янгиликлари





ЎзА олган суратлар

Пойтахтимизда шу йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган футзал бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлгани барчага маълум.

ИШТИРОКЧИЛАР НОМИ АНИҚЛАНМОҚДА

Барча мухлислар орзиқиб кутаётган Колумбиядаги мазкур жаҳон чемпионати куз фаслида ўтказилади. Ҳозирда КОНКАКАФдан бошқа барча қитъаларда футзал бўйича бу галги мундиал қатнашчиларининг номи аниқланган. Албатта, иштирокчилар орасида Хосе Мария Мендез шогирдлари ҳам бор.

Жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлган 20 нафар бахтли терма жамоалар билан танишинг: мезбон Колумбия, Миср, Марокаш, Мозамбик, Ўзбекистон, Австралия, Эрон, Таиланд, Вьетнам, Озарбайжон, Италия, Қозоғистон, Португалия, Россия, Испания, Украина, Аргентина, Бразилия, Парагвай, Соломон ороллари ҳамда КОНКАКАФнинг тўртта омадли жамоаси.

МАҒЛУБИЯТ НИМАЛИГИНИ БИЛМАДИ

Пойтахтимизда волейбол бўйича аёллар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатининг тўртинчи тур беллашувлари ўз якунига етди.

Бу сафарги тур беллашувлари “СКИФ” жамоаси учун анча омадли келгани баробарида уларни бош совринга янада яқинлаштирди. Дастлабки учрашувда “Гўзал”, кейинчалик Нукус педагогика институти, охирги баҳсда эса “СКИФ-2” жамоаси 3:0 ҳисобида осонликча доғда қолдирилди.

Чемпионатдаги иккинчи натижа айни пайтда қорақалпоғистонлик волейболчиларга тегишли бўлиб турибди. Улар “СКИФ-2” ҳамда Андижон олимпия заҳиралари коллежи аъзоларини мағлубиятга учратишди. 4-тур доирасида энг узоқ давом этган баҳс айнан Нукус педагогика институти ҳамда “СКИФ-2” жамоалари ўртасида кузатилди. Бу ўйин тўрт бўлимга чўзилиб, 102 дақиқа давом этди. “СКИФ” эса андижонлик волейболчиларни мағлубиятга учратиш учун атиги 45 дақиқа сарфлади.

Ботир ХЎЖАЕВ

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Жорий йилнинг 13-30 октябрь кунлари Баҳрайн пойтахти Манама шаҳрида футбол бўйича 19 ёшгача бўлган чармтўп усталаридан таркиб топган терма жамоалар иштирокида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда Жасур Абдураимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам иштирок этади.

Яқинда Баҳрайн пойтахти Манама шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан ёшлар ўртасида уюштириладиган Осиё чемпионатига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга кўра Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси “Д” гуруҳидан ўрин эгаллади. Ушбу гуруҳда Жасур Абдураимов шогирдларига Хитой, Австралия ва Тожикистон ёшлар терма жамоалари рақиблик қилишади. Қитъа биринчилигида ярим финалга чиққан 4 та терма жамоа 2017 йили Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган 20 ёшли футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлади. Агар Жанубий Корея ёшлар терма жамоаси Баҳрайндаги турнирда кучли тўртликка кирса, унда чорак финалда енгилган иштирокчилардан бири плей-офф ўйинлари орқали жаҳон чемпионатида ўйнаш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатини 15 октябрь куни Тожикистон терма жамоасига қарши ўтказади. 18 октябрда австралиялик тенгқурлари билан куч синашадиган ёшлар терма жамоамиз 21 октябрда Хитой ёшлар терма жамоасига қарши майдонга тушади.

Қитъамизнинг 16 та энг кучли ёшлар терма жамоалари баҳс олиб борадиган Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига омад ёр бўлсин, деб қоламиз.

Футбол бўйича Осиё қитъаси терма жамоалари ўртасида 2018 йилда Россияда ташкиллаштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи учинчи босқичига Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси қизғин тайёргарлик кўриши аниқ.

ТАЙЁРГАРЛИК ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИ

Ушбу нуфузли турнир олдидан миллий терма жамоамиз Канада терма жамоаси билан 7 июнь куни Австрияда назорат-ўртоқлик баҳсида куч синашиши аллақачон маълум. Ниҳоят Тошкентда ҳам 10 ноябрда синов учрашуви ўтказиладиган бўлди. Шу куни миллий терма жамоамиз Иордания терма жамоаси билан ўртоқлик беллашувида майдонга тушади.

Бу учрашув миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичи 5-туридан ўрин олган Жанубий Корея-Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўйини олдидан муҳим тайёргарлик вазифасини ўтайди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳар ИИББ “Динамо” ЖТСЖ шаҳар Кенгаши томонидан уюштирилган XXV спартакиадасидан ўрин олган ҳамда марҳум генерал-майор Ислом Сатторов хотирасига бағишланган футбол турнирининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Жорий йилдаги беллашувларда ҳам йигитлар юқори техник маҳоратларини намоён этиб, ғолиблик сари интилишди. Ниҳоят, турнир ғолибини аниқлайдиган кун ҳам етиб келди. Финал ўйини ҳамда турнирнинг ёпилиш маросимига ИИББ масъул ходимлари, марҳум генерал-майор И.Сатторовнинг оила аъзолари, шунингдек, бир қатор футбол мутахассислари ташриф буюришди. Якуний натижаларга кўра, биринчи ўринни ИИББ хузуридаги Қўриқлаш бошқармаси ходимлари эгаллашди. Иккинчи ўрин Тошкент метрополитенини қўриқлаш бўйича ИИБ спортчиларига, учинчи ўрин эса Бош бошқарма марказий аппарати йигитларига насиб этди.

Мазкур тадбирда марҳум генерал-майор И.Сатторовнинг рафиқаси Зоя Сатторова ҳамда яқинлари сўз олиб, ушбу турнир мунтазам тарзда ўтказиб келинаётганлиги учун ИИББ раҳбариятига, ташкилотчиларга ва барча спортчи ходимларга ўзларининг алоҳида миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Мусобақада юқори ўринларни эгаллаган жамоаларга ИИББ “Динамо” ЖТСЖ томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар тантанали равишда топширилди.

Сарвар СОБИРОВ

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент шаҳрида спортнинг ҳарбий-амалий ва Олимпия турлари бўйича VI Умумармия ўйинлари бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик ва Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртларининг спорт мажмуаларида ташкил этилган мусобақалар 6 майга қадар давом этади.

Ҳарбий округлар, бирлашмалар ва олий ҳарбий ўқув муассасаларидан 11 жамоа спортнинг кўпкураш, ҳарбий ва офицерлар учкураши, ўқ отиш, тош кўтариш, бадминтон, регби, бокс ва бошқа турлари бўйича ўзаро куч синашади.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар, спортчилар ва ёшлар иштирок этди.

...Стадионга мусобақа қатнашчилари кириб келади. Давлатимиз мадҳияси янграб, мамлакатимиз байроғи ва Умумармия ўйинлари байроғи кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларни, жумладан, ҳарбийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. 2004 йилдан буён ўтказиб келинаётган Умумармия ўйинлари ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи ва спорт маҳоратини ошириш, уларда соғлом турмуш тарзига риоя этишни ва ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси умумжамоа ҳисобида амалдаги кубок соҳиби ва мусобақаларнинг икки карра ғолиби ҳисобланади. Мусобақаларда уч марта – 2004, 2006 ва 2008 йилларда ғолиб бўлган Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳам ўз ютуқлари билан фахрланса арзийди. Ўзаро куч синашиш ҳарбийларнинг шахсий рекордларини янгилашга ҳам ундайди.

Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти спортчиларининг кўргазмали чиқишлари, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда юртимиз эстрада ижрочилари иштирокидаги катта концерт маросимга кўтаринкилик бағишлади.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

“101”

ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

Инсоният ўз тараққиётининг илк давриданоқ оловдан турли эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида фойдаланиб келган.

Бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос йўл-йўриғи ва талаблари бор. Шуни унутмаслик зарурки, бунинг учун энг аввало, ҳар бир хонадон соҳиби электр асбобларидан тўғри фойдаланиши зарур. Улардан нотўғри ва меъёрдан ортиқ фойдаланиш натижасида ёнғин содир бўлиши ҳоллари вужудга келиши мумкин.

Аҳоли хонадонларида ва иш жойларида электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир неча ток қабул қилувчи воситаларни улаш, электр ускуналарини қаровсиз қолдириш, улардан ёнғин хавфи бор жойларда очиқ ҳолатда фойдаланиш мумкин эмас. Шунингдек, табиий газдан нотўғри фойдаланиш ҳам турли ёнғин ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Табиий газни резина шланглар орқали улаш хавфли саналади. Айниқса, тунда газ плиталарининг ёниқ қолдирилиши тасодифан газ босимининг ошиб кетиши туфайли кўнгилсиз оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса шуки, ҳар бир фуқаро ёнғин офатининг олдини олишга доимо эътибор қаратиб, хонадонда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланса, ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини хавф-хатардан сақлаб қолган бўламиз.

М.ЮЛДАШЕВ,
Тошкент шаҳар
20-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисм инспектори

Кўргазмалар

ЭРТАКЛАР ДУНЁСИГА САЁҲАТ

Тошкент Фотосуратлар уйида таниқли рассом, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Баҳодир Йўлдошевнинг “Саёҳатлар эртаги” деб номланган шахсий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Кўпгина йирик ўзбек рассомлари ва санъатшуносларининг фикрича, Баҳодир Йўлдошев Ўзбекистон замонавий санъатининг энг ёрқин ва алоҳида иқтидорга эга бўлган вакилларидан бири.

Кўргазмада рассом томонидан 2015-2016 йилларда яратилган 70 дан ортиқ асарлар намойиш этилаётган бўлиб, муаллиф ўз асарларида томошабинни эртаклар, сирлар, рамзлар дунёсига саёҳат қилишга таклиф этади. Шарқ миниатюраси ва хаттотлик санъатидан илҳомланган ҳолда, Баҳодир Йўлдошев ўзига хос усулни яратди. Ушбу усулда яратилган асарлар унга шуҳрат олиб келди. Рассом асарларидаги сюжетлар Шарқ шеърияти (Навоий, Румий, Жомий, Саъдий, Хайём), фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ.

Нафис хат, композиция маконининг ясси ифодаланилиши, бўшлиқнинг қўрқмасдан тузилганлиги, деталларни синчковлик билан чизиш, нақш безакларини график ифодалаш, асар сатҳига хаттотликни олиб кириш, бенуқсон дид ва уйғунлик туйғуси Баҳодир Йўлдошевнинг 2000-йилларда яратилган ишларини атоқли миниатюра мактабларининг мумтоз намуналари билан яқинлаштиради.

Баҳодир Йўлдошевнинг асарларини бирдан тушуниб бўлмайди. Улар диққатни узоқ қаратиб, мулоҳазали кузатишни талаб қилади. “Мен ҳиссиётларимни қаламга оламан, холос”, — дейди муаллиф”.

(Ўз мухбиримиз)

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Миробод тумани ТСРЎИ томонидан 21.01.2015 йилда № 007406-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган “FIBER GLASS” МЧЖ (ИНН 303170357) № 1 1.04.2016 й. таъсисчилар қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: 283-22-72

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **6 май** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда, момақалдироқ вақтида кучайган ҳолда секундига 15-20 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-16, кундузи — 28-30 даражa иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **6 майда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9294

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 555

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10290 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 15.20

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ